Иқтисодий–ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

N 40 (377) • 2012 йил 9 октябрь

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

Қонун ижодкорлиги

МОЛИЯ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДОИРАСИДА

Мамлакатимиз парламентига "Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси* киритилди. Лойиҳа тақдим этилаётган таҳрирда 26 та моддадан ташкил топган. Қонуннинг мақсади хусусий банк ва молия институтлари фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан, шунингдек уларнинг фаолияти кафолатларини белгилаб беришдан иборат.

Қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирларига доир 2011 йил 14 январдаги Фармойишига мувофиқ ишлаб чиқилган. Мамлакатимиз Президенти молия-банк тизимини янада ривожлантириш зарурлигини, бу соҳага хусусий капитални жалб этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилиши кераклигини таъкидлаб, 2010 йилнинг ноябридаёқ хусусий банклар ҳамда хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтлар фаолиятининг қонунчилик асосларини шакллантиришни таклифини илгари сурган эди. Бундай чора-тадбирлар банк ва молия хизматлари бозорида рақобатнинг кенгайишига ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон бермоғи, энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратилишига ёрдам бермоғи лозим.

Молиявий тизим миллий иқтисодиёт олдида турган ривожланиш вазифаларини ҳал этиш асосидир. Молиявий хизматлар, шу жумладан хусусий молиявий хизматлар кўрсатиш иқтисодиёт реал секторининг айланма маблағларни тўлдириш учун, ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш ва инфратузилмани янгилаш учун ресурсларга бўлган талаб-эҳтиёжларини қаноатлантирмоғи лозим. Зотан бундай ресурларсиз инновация бобида юксалиш бўлмайди, бу соҳада самарали равнаққа эришиб бўлмайди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида нодавлат секторининг молиявий хизматлардаги улушини кенгайтириш ҳамда иқтисодиётнинг энг муҳим етакчи тармоқларига хусусий инвесторларни жалб қилиш муҳим эканлиги таъкидлаб ўтилган. Шу сабабли ҳам қонун лойиҳасида хусусий банк ва молия институтлари сирасига фақатгина молиявий хизматлар кўрсатувчи банклар, бошқа кредит ва суғурта ташкилотлари ҳамда ўзга юридик шахслар киритилган бўлиб, уларнинг устав фондида жисмоний шахсларнинг – муассисларнинг (иштирокчиларнинг) улуши камида 50 фоизни ташкил этмоғи лозим. Хусусий банк ва молия институтларини юридик шахслар ҳам, агар уларнинг устав фондида давлат улуши бўлмаса, таъсис этишга ҳақлидир.

3-бетда

*Қонун лойиҳасининг матни билан танишиш учун **norma.uz** сайтига қаранг.

Диққат, янги ҳужжат!

ҲОКИМЛИК СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ ҚАНДАЙ БЕРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 октябрдаги 281-сон қарори билан Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди (*шу соннинг ҳужжатлар пакетида ўқинг*).

Қонунчиликдаги янгиликлар

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

NORMA www.norma.uz

2012 йил 22–28 сентябрь даврида қабул қилинган, тақдим этилаётган, шунингдек бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан www.norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

АВИАТАШУВЧИЛАРГА ҚЎШИМЧА ТИЖОРАТ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИШГА РУХСАТ БЕРИЛДИ

27.09.2012 йилдаги ЎРҚ-337-сон Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Кодекс тўлдирилган меъёрга мувофиқ, ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти томонидан берилган ҳаво кемаларига техникавий хизмат кўрсатиш ташкилотининг сертификати асосида бажарилади. Мазкур сертификатни бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Авиация маъмуриятига чет эл давлатининг ваколатли органи билан ижарага олинган ҳаво кемасидан фойдаланилиши устидан назорат қилиш бўйича муайян мажбуриятларни унга ўтказиш мақсадида белгиланган тартибда битим тузиш ҳуқуқи берилди.

Бундан ташқари, назорат қилинадиган ва назорат қилинмайдиган самовий ҳудуд тушунчаларига тузатиш киритилди. Бунда назорат қилинадиган самовий ҳудуд деганда парвозларга диспетчерлик хизмати кўрсатиш таъминланадиган доирадаги самовий ҳудуд тушунилади. Назорат қилинмайдиган самовий ҳудуд деганда парвозлар пайтида ахборот хизмати кўрсатиладиган доирадаги самовий ҳудуд тушунилади.

Қидирув-қутқарув ишларини бажаришда, табиий ва техноген хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар рўй берган тақдирда инсонпарварлик ёрдами кўрсатишда иштирок этаётган ҳаво кемалари, шунингдек Мудофаа вазирлигининг ҳаво кемалари аэронавигация ва аэропорт йиғимларидан (аэродромларда ҳаво ҳаракати ва ҳаво кемаларига хизмат кўрсатганлик учун ундирилади) озод қилинади.

Йўловчи Авиация маъмурияти томонидан белгиланадиган ҳаво кемаси ичидаги юриш-туриш қоидаларига риоя этиши, ҳаво кемаси командирининг ёки экипаж аъзосининг ҳаво кемаси командири номидан берган парвоз ва ҳаво кемаси ичидаги одамлар хавфсизлигини, мол-мулк бут сақланишини, ташиш шартномасини ижро этиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш тартиби ва имкониятини таъминлашга доир фармойишларини бажариши шарт. Кодексни тўлдирган яна бир модданинг талаблари ана шундай.

Ҳаво транспортида ташиш вақти мобайнидаги давр белгиланди. Бу йўловчилар, қўл юки ва юк аэропортда, ҳаво кемаси ичида ёки бошқа учиш-қўниш жойида бўлишидан қатъи назар, ташувчининг жавобгарлиги остида бўлган вақт мобайнидаги давр саналади.

Ташувчи ташиш қоидаларига мувофиқ йўловчиларга хизмат кўрсатишни ташкил этиш мажбуриятидан ташқари ўз имтиёзли тижорат дастурларини амалга ошириш ва бундай дастурларда назарда тутилган қўшимча хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига ҳам эга.

Ташувчи ҳаво транспортида йўловчи, қўл юки ва юк ташиш шартномасини ташиш йўналишининг исталган манзилида бекор қилиши мумкин бўлган ҳолатлага таъриф берилди.

Йўловчи эса ҳаво транспортида ташиш шартномаси амал қилиб турган исталган вақтда - йўловчи учун жой банд қилиб қўйилган ҳаво кемаси парвоз қилгунича ёки парвоз қилганидан кейин йўналиш манзилларидан бирида ҳаво транспортида ташиш шартномасини бекор қилиш ва ташиш учун тўланган сумманинг ҳаммасини ёки бир қисмини ташувчининг тарифларини қўллаш қоидаларида белгиланган тартибда олиш ҳуқуқига эга.

Юкнинг ёки қўл юкининг олинмаслиги ва кечикиб олиниши ҳолларида ташувчининг хатти-ҳаракатлари тартибига ҳам ўзгартиришлар киритилди. Энди ташувчилар томонидан олиб келиниб, талаб қилиб олинмаган қўл юки аэропортда кўпи билан 3 ой сақланади ва кейин қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўқ қилинади. Чет эллик ташувчилар томонидан олиб келиниб, талаб қилиб олинмаган қўл юки аэропортда кўпи билан 7 кун сақланади ва уни олиб келган ташувчининг рейси билан қайтариб юборилади. Талаб қилиб олинмаган қўл юкидаги тез бузиладиган нарсалар бузилиш белгилари аниқланган тақдирда йўқ қилинади.

Ҳужжатда юкнинг йўқолиши, камомади ёки унга етказилган зарар учун ташувчи жавобгар бўладиган ҳолатлар тартибга солинган.

Ташиш бир нечта ташувчи томонидан бажарилган тақдирда, талаблар даъвогарнинг хоҳишига кўра биринчи ёхуд охирги ташувчига, йўловчининг ўлими юз берган ёки соғлиғига зарар етказилган тақдирда эса, ташишни йўналишнинг зарар юзага келган участкасида бажарган ташувчига билдирилади.

Қонун «Халқ сўзи» газетасида расмий эълон қилинган кун – 2012 йил 28 сентябрдан эътиборан кучга кирди.

2-бетда

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

1-бетда

КТЯДР ТЎҒРИСИДА ЯНГИ НИЗОМ ТАСДИҚЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 25.09.2012 йилдаги 274-сон қарори билан Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри тўғрисидаги низом тасдиқланди. ВМнинг 17.11.1994 йилдаги 555-сон қарори билан тасдиқланган, илгари амал қилган Ягона давлат регистри ўз кучини йўқотган деб топилди.

Янги қабул қилинган Низомга мувофиқ, КТЯДР ахборот-маълумотнома тусидаги, вақти-вақти билан янгилаб бориладиган маълумотлардан иборат бўлган автоматлаштирилган тизим ҳисобланади ҳамда ягона классификациялар тизими асосида корхоналар ва ташкилотларнинг давлат ҳисобини ва уларни идентификациялаштиришни таъминлайди.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистри Давлат статистика қўмитаси, унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги ҳудудий органлари томонидан давлат тилида юритилади.

КТЯДРнинг жорий этилиши рўйхатдан ўтказувчи ва давлат бошқа органларидан олинган юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва сақлаш, шунингдек уларни давлат бошқаруви органларига ва бошқа фойдаланувчиларга белгиланган тартибда тақдим этишни рағбатлантириши лозим.

КТЯДРга давлат статистика кузатувларини амалга оширишда олинган статистика маълумотлари, шунингдек солиқ органлари, давлат мулкини бошқариш органлари ва бошқа давлат органларининг регистрларидан ҳамда маълумотлар ахборот базаларига асосан рўйхатдан ўтказган органлардан тушадиган юридик шахслар тўғрисида маълумотлар киритилади.

Шунингдек КТЯДРга нафақат юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишда, балки таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчаларни; юридик шахсни қайта ташкил этишни давлат рўйхатидан ўтказишда; асосий фаолият тури ва унда ишлаётганларнинг ўртача йиллик сони; идоравий мансублиги; почта манзили ўзгарганда ва бошқа ҳолларда тегишли ёзув киритиш белгиланди.

КТЯДРдаги идентификациялаштириш, классификациялаштириш кўрсаткичлари, шунингдек юридик шахсларнинг почта манзиллари барчанинг фойдаланиши учун очиқ ҳисобланади, КТЯДРдаги бошқа кўрсаткичлар махфий тусдаги ахборот ҳисобланади.

КТЯДРдаги маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига, шунингдек юридик шахсга – унга берилган статистика кодлари тўғрисидаги маълумотлар **бепул** тақдим этилади.

КТЯДРдан бошқа маълумотларни олиш учун буюртмачи томонидан ҳақ тўланади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ПЕДАГОГЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ БИЛАН МЕТОДИК МАРКАЗЛАР ШУҒУЛЛАНАДИЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 26.09.2012 йилдаги 278-сон қарори билан олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар қабул қилинди. Хусусан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузурида Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик марказини ташкил қилиш, шунингдек 5 та минтақавий марказларини *(кейинги ўринларда минтақавий марказ деб аталади)* ҳамда 10 та тармоқ марказларини *(кейинги ўринларда тармоқ маркази деб аталади)* ташкил этиш, олий таълим муассасалари ҳузуридаги фаолият кўрсатаётган қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим муассасалари ва факультетларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қарорда бош илмий-методик марказ, минтақавий марказлар ва тармоқ марказлари юридик шахс ҳисобланиши, ўз уставларига, мустақил балансларига, Молия вазирлигининг ғазначилигида ҳисоб рақамларига эга бўлиши белгилаб қўйилди. Уларнинг фаолиятини молиялаштириш манбалари:

марказларни жорий таъминлашга ҳамда белгиланган даврийлигини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ўтказишга ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари;

хўжалик фаолиятидан ва шартномавий асосда хизматлар кўрсатишдан тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрия эҳсонлари ва мақсадли бадаллари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади.

Қарор билан мазкур юридик шахсларнинг асосий вазифалари белгиланган. Чунончи, Бош илмий-методик марказ аввало олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг умумтаълим дастурларини, ўқув-методик ва норматив материалларини ишлаб чиқади. Минтақавий ва тармоқ марказлари зиммасига, қайта тайёрлаш ва малака оширишдан ташқари, замонавий методик, ахборот-маълумотнома базасини яратиш ва бошқа вазифалар юклатилган.

Қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг тасдиқланган жадвалига киритилган ҳамда Бош илмий-методик, минтақавий ва тармоқ марказларига ўқишга юборилган тингловчилар учун уларнинг ишдан бўшаган ҳолдаги бутун ўқиш даврида асосий иш жойи бўйича ўртача иш ҳақи сақланиб қолади.

Бошқа жойлардан юборилган тингловчиларга суткалик маблағлар тўланади ҳамда ўқиш жойига бориш ва ундан қайтиш бўйича бир марталик йўл ҳақи харажатлари уларни юборадиган томон ҳисобидан қопланади.

КЎМИРНИНГ ЧАКАНА НАРХИ ҚАНЧА?

Молия вазирлиги ҳамда Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг қўшма қарори *(АВ томонидан 24.09.2012 йилда 2392-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан «Ўзбеккўмир» ОАЖнинг ҳудудий дистрибьюторлик марказлари орқали сотиладиган кўмирнинг чакана нархини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Низомнинг амал қилиши «Ўзбеккўмир» ОАЖ ва ҳудудий дистрибьюторлик марказларига *(кейинги ўринларда Марказлар деб аталади)* татбиқ этилади.

Низомга мувофиқ Марказлар орқали истеъмолчиларга реализация қилинадиган кўмирнинг чакана нархи Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона саналиб, қуйидагилардан:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан кўмирнинг русуми ва навидан келиб чиқиб декларацияланган, «Ўзбеккўмир» ОАЖнинг улгуржи-сотиш нархи;

юклаб ортиш омборларидан («Ўзбеккўмир» ОАЖ) кўмирни сақлаш омборларигача (Марказлар) кўмир ташиш харажатлари;

рентабелликни ҳисобга олган ҳолда Марказларнинг харажатларидан шаклланади.

Шунингдек Низомда «Ўзбеккўмир» ОАЖ билан Марказлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгиланди.

2012 йил 4 октябрдан кучга кирди.

«ВАҚТИНЧА САҚЛАШ» БОЖХОНА РЕЖИМИ РЕГЛАМЕНТИГА ТУЗАТИШ КИРИТИЛДИ

Давлат божхона қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 27.09.2012 йилда 447-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан «Вақтинча сақлаш» божхона режими тўғрисида низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Қисқача декларацияни 3 нусхада тақдим этиш талаби бекор қилинди. Энди бир нусханинг ўзи кифоя.

Божхона органлари асоссиз олиб қўйган товарлар ва транспорт воситаларини сақлаш имконияти бекор қилинди.

«Вақтинча сақлаш» божхона режимининг амал қилиши тугалланган деб саналадиган ҳолатлар белгиланди. Уларга қуйидагилар киради:

товарлар ва транспорт воситаларини бошқа божхона режимида расмийлаштириш;

авария, енгиб бўлмас куч таъсири оқибатида товарлар ва транспорт воситаларини қайтариб бўлмайдиган даражада йўқотиш;

суриштирув ёки тергов органларининг қарорлари асосида товарлар ва транспорт воситаларининг олиб қўйилиши;

суднинг ҳал қилув қарорлари асосида товарлар ва транспорт воситаларининг давлат даромадига ўтказилиши.

2012 йил 7 октябрдан кучга кирди.

ТИАИСВнинг РУХСАТИСИЗ ЧЕТ ЭЛДА ҲИСОБВАРАҚ ОЧИШ МУМКИН

Марказий банк бошқарувининг қарори *(АВ томонидан 27.09.2012 йилда 610-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Чет элда ҳисобварақлар очиш учун рухсатномалар бериш тартибига ўзгартириш киритилди. Энди резидент юридик шахслар Ўзбекистондан ташқаридаги банкларда ҳисобварақлар очишга рухсатнома олиш учун Марказий банкка Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ваколатхоналар барпо этишга рухсатномаси нусхасини тақдим этишлари талаб этилмайди.

2012 йил 7 октябрдан кучга кирди.

Елена ЕРМОХИНА,
эксперт-юристимиз.

УШБУ СОНДА:

✓ **ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ**
– Молия бозорини ривожлантириш доирасида *1, 3-бетлар*
✓ **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Режимлар либераллашди
– Валюталар курси *1-2, 4-бетлар*
✓ **ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР**
– Қайнонаникида меҳмонда бўлганда *4-бет*
✓ **ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарори
– "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида". **Идоравий-меъёрий ҳужжат**
– ЎзР ДСҚнинг "Энергия билан таъминловчи ташкилотлар томонидан давлат солиқ хизмати органларига муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларини ундириб олиш чораларини кўриш учун маълумотларни тақдим этиш ҳамда ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижаларини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қарори. *5-6-бетлар*
✓ **КАДРЛАР БЎЛИМИ**
– Ишдан бўшаётган ходим касалланса...
– Шартномага кўра синаш
– Дам олди ва ишдан бўшади
– Қачон ва қандай қилиб таътилга чиқиш мумкин?
– Декретга қандай чиқилади?
– Касаба уюшмаси билан муроса қилган маъқул *7-8-бетлар*

МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	5.10.2012	1	0,7851	1	1,0218	1	0,0254
Арманистон	5.10.2012	1	407,56	1	530,24	1	13,17
Беларусь	6.10.2012	1	8570,00	1	11140,00	1	276,50
Грузия	6.10.2012	1	1,661	1	2,161	1	5,3625
Қозоғистон	6.10.2012	1	150,30	1	195,42	1	4,85
Қирғизистон	6.10.2012	1	47,078	1	61,2108	1	1,5199
Латвия	8.10.2012	1	0,54	1	0,702804	1	0,0175
Литва	8.10.2012	1	2,6553	1	3,4528	10	8,5648
Молдова	5.10.2012	1	12,3567	1	16,0038	1	0,397
Тожикистон	6.10.2012	1	4,7648	1	6,1685	1	0,1541
Ўзбекистон	25.09.2012	1	1938,60	1	2528,98	1	62,20
Украина	5.10.2012	100	799,30	100	1035,173	10	2,5684
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246
Россия	8.10.2012	1	30,9744	1	40,2822	-	-

Манба: www.prime-tass.ru

МОЛИЯ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДОИРАСИДА

1-бетда

Қонун лойиҳасига кўра, хусусий банк ва молия институтлари давлат органларининг мансабдор шахслари ҳақ тўланадиган лавозимларни эгаллаши мумкин бўлмаган тижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектларидир. Бундан ташқари, қонун ҳужжатида бундай институтларнинг муассислари (иштирокчилари) бўлиши тақиқланган ташкилотлар рўйхати ҳам тақдим этилмоқда.

Давлат хусусий банк ва молия институтларининг иқтисодий фаолияти эркинлигини ва ҳуқуқий ҳимоя қилинишини кафолатлар экан, уларга нисбатан камситишларга йўл қўйиб бермайди.

Лойиҳада хусусий банк ва молия институтларининг мол-мулки национализация қилинмаслиги ҳамда мусодара этилмаслиги назарда тутилган бўлиб, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустаснодир. Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг хусусий банк ва молия институтларининг қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилган доирада амалга ошираётган фаолиятига, шу жумладан кредит портфелини ва бошқа активларни шакллантириш билан боғлиқ тадбиркорлик таҳдид-таваккалчиликларини идора этиш ишига аралашуви тақиқланган.

Шуниси ҳам борки, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, фаолиятнинг тегишли соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари хусусий банк ва молия институтларининг муайян лавозимларига номзодларга оид малака талабларини белгилашлари, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган маблағларни жалб этиш ҳисобига амалга ошириладиган инвестицияларнинг чегара миқдорини ва мазкур институтларнинг ижро этиши мажбурий бўлган иқтисодий нормативларни белгилаб бериши мумкин.

Қонун лойиҳасида мужассам топган молия бозори иштирокчиларининг ҳуқуқлари устуворлиги принципи хусусий банк ва молия институтлари фаолиятни амалга ошираётганда, шу жумладан текширувлар ўтказилаётганда чиқиб қолувчи қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликларни иштирокчилар фойдасига талқин этиш имконини беради.

Хусусий банк ва молия институтлари ўзлари кўрсатадиган хизматларга тарифларни мустақил равишда, бинобарин бу борада давлат органларидан рухсат олмай, улар билан келишмай ва уларни хабардор этмай туриб белгилашига ижозат этиш мўлжалланмоқда, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Айрим моддалар хусусий банк ва молия институтлари фаолиятини текширишга бағишланган. Хусусан, уларнинг молия-хўжалик фаолияти режали асосда 5 йилда камида бир марта, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарори билан текширилади деб мўлжалланмоқда. Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширувлар 30 календарь кундан ошиши мумкин эмас, бу иш (текширув) хусусий банк ва молия институтлари тўлақонли фаолият кўрсатиши учун ғов-тўсиқлар келтириб чиқармаслиги лозим.

Қонун лойиҳасида шундай нормалар ҳам назарда тутилмоқдаки, уларда назорат қилувчи ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари ва ходимларининг, шунингдек улар томонидан текширувларни ўтказишга жалб қилинган шахсларнинг жавобгарлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланиши қайд этилган. Хусусий банк ва молия институтларига уларнинг фаолиятини ғайриқонуний тарзда текширганлик натижасида, шунингдек назорат қилувчи ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этувчи органлар ходимларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда бунга сабабчи бўлган органлар томонидан тўла ҳажмда қопланмоғи керак.

Шу билан бирга хусусий банк ва молия институтларига етказилган зарарни қоплаган назорат қилувчи ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этувчи органлар қайси ходимларининг айби билан зарар етказилган бўлса, шу ходимларга нисбатан регресс талаблар қўйиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бизнинг фикримизча, "Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда уларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси бундай институтлар фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини таъминлайди, хусусий банк-лар ва молия институтларининг самарали ва ривож топган тизими шаклланишига, шунингдек уларнинг мамлакат банк тизимидаги улуши кўпайишига имкон беради.

Партиямиз мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлайди, шунингдек кенг доирадаги ҳамкорлар ва бизнес ҳамжамоалари билан биргаликда унинг келгусидаги ижросини мониторинг қилиб боради.

Насим АЛИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ҳамда ЎзЛиДеПнинг парламентдаги фракцияси аъзоси.

Тўлқин ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати, ЎзЛиДеПнинг Сиёсий кенгаши ҳамда парламентда фракцияси аъзоси.

Бевосита мулоқот

ДИРЕКТОР БЎЛАМАН!

Мени хусусий корхонада ҳам муассис, ҳам директор бир шахс бўлганда меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар қизиқтиради.

Буйруқда қуйидагича ёзилади:

"Директор вазифасига киришаман ва ҳ.к.".

Шу ўринда меҳнат дафтарчасига қуйидаги ёзув киритилади:

"____даги ___-сон буйруқ билан директор лавозимига ишга қабул қилинди".

Шу тўғрими?

Фирма ёпилганда, қўшилганда ёки шунга ўхшаш ҳолларда нима ёзилади, ахир муассис билан директор бир шахс номидан ўзи билан ўзи меҳнат шартномасини туза олмайдику?

Андозадаги ёзув бундай:

"____даги ___-сон буйруқ билан меҳнат шартномаси бекор қилинди".

Бундай вазиятларда меҳнат дафтарчасига қандай қилиб аниқ ёзувлар киритиш мумкинлигини тушунтириб берсангиз.

М.Раҳимова.

– Келинг, масалани тартиб билан ҳал қилайлик.

1. Хусусий корхонанинг раҳбари сифатидаги ягона муассиснинг меҳнат муносабатлари қай тартибда расмийлаштирилади?

Мулкдор – ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади *("Хусусий корхона тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддаси, бундан кейин – Қонун).*

Фуқаролик кодекси 43-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ бир муассис томонидан ташкил этилган юридик шахс шу муассис тасдиқлаган устав асосида иш олиб боради.

Хусусий корхона мулкдори корхонани раҳбар сифатида якка ўзи бошқаради, корхона номидан ишончномасиз иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа молмулкини тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисобварақлар очади, штатларни тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради *(Қонуннинг 14-моддаси).*

Келтириб ўтилган нормалар мазмунидан хулоса қилса бўладики, агар хусусий корхонанинг ягона муассиси жисмоний шахс бўлса, у ҳолда у ўз номидан чиқарган қарори – буйруғи билан раҳбар (директор) вазифаларини ўз зиммасига юклаши мумкин.

Бу вазиятда меҳнат шартномасини расмийлаштириш керакми? Бизнинг фикримизча, ягона муассис ҳисобланган директор билан меҳнат шартномаси тузилмайди, сабаби мазкур ҳолда директорнинг иш берувчиси мавжуд эмас ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ икки томоннинг меҳнат муносабатлари ҳақида сўз кетаётгани йўқ.

Муассисни хусусий корхонанинг раҳбари сифатида расмийлаштириш учун у ўз зиммасига директор вазифаларини олаётганлиги тўғрисидаги буйруқ чиқарилади. Айнан шу буйруқ ягона муассиснинг ташкилотни мустақил бошқариш ва унинг директори бўлиш қарори қайд этилган ҳужжат ҳисобланади.

2. Директор – хусусий корхона ягона муассисининг меҳнат дафтарчасидаги ёзувга келсак.

Умумқабул қилинган қоидага кўра меҳнат дафтарчаларини тутиш бўйича мажбурият иш берувчи ёки меҳнат дафтарчаларини тутиш учун масъул бўлган бошқа шахс зиммасига юклатилади *(Меҳнат кодексининг 81-моддаси; АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома, бундан кейин – Йўриқнома).*

Буйруқ чиқарилиб, ундаги ёзув директорнинг меҳнат дафтарчасига киритилганидан кейин 3-устунга "Директор лавозимига қабул қилинди" деган стандарт ёзув қайд этитилади *(Йўриқноманинг 2.12-банди).*

Абдусалом РИСҚУЛЛАЕВ,
эксперт-юристимиз.

Реклама

ҚАЙНОНАНИКИДА МЕҲМОН БЎЛГАНДА

Мен билан бирга яшайдиган қизим яқинда Россия фуқаросига турмушга чиқди, куёвим яшаш гувоҳномасига ва Тошкентдаги қариндошлари уйида доимий прописка эга. Табиийки, куёвим уйимизга келиб, меҳмон бўлиб туради. Яшаш жойидаги профилактика инспектори куёвимни квартирамизга рўйхатдан ўтказишни талаб қиляпти, акс ҳолда паспорт режими қоидаларини бузганлик учун жарима солмоқчи. У тўғри айтяптими? Мен унинг талабини бажаришим шартми?

Лариса Петровна, Тошкент шаҳри.

– Сизни жавобгарлик тўғрисида огоҳлантираркан, ички ишлар органларининг профилактика инспектори Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида вақтинча ёхуд доимий пропискада турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар прописка қилинган жойда яшашлари кераклиги тўғрисидаги талабга амал қилган.

Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни, шунингдек хорижий давлатлардан келаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, шунингдек аҳоли миграциясини ҳисобга олиш мақсадида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида шахснинг доимий яшаши ёки муайян жойда вақтинча бўлиши фактини аниқлашни назарда тутади *(АВ томонидан 14.05.2012 йилда 2363-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий ва вақтинча прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 2-банди, бундан кейин – 2363-сон Йўриқнома)*.

Фуқаронинг доимий ёки **асосан** яшаб турган жойи унинг яшаш жойи ҳисобланади *(Фуқаролик кодексининг 21-моддаси, бундан кейин – ФК)*.

Агар сиз куёвингиз асосан ўз уйида яшаши ва сизникига меҳмон бўлиб келишини исботласангиз, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс томонидан Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жазо чораларини қўллашга *(Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 225-моддаси, бундан кейин – МЖТК)*, **бунинг устига мулкингизда бўлган турар жойга бошқаларни прописка қилишни сиздан талаб қилишга инспектор ҳақли эмас**.

Оила аъзолари ва бошқа фуқароларни прописка қилиш – турар жой мулкдорининг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқидир *(Президентнинг 26.02.1999 йилдаги ПФ-2240-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомнинг 38-банди)*. Бундан 16 ёшгача бўлган болалар, улар ота-онанинг яшаш жойи (одатда она яшайдиган жой) бўйича прописка қилинадилар ва муомалага лаёқатсиз шахслар – улар васийнинг яшаш жойига прописка қилинади – мустасно.

Бундан ташқари, эр-хотиннинг яшаш жойини танлаш ҳуқуқини оила қонунчилиги улар ҳар бирининг шахсий ҳуқуқларига киритади, шу боис эр-хотин бир манзилда ҳам, турли жойларда ҳам яшашлари мумкин *(Оила кодексининг 22-моддаси)*, бунинг устига мазкур вазиятда уларнинг ҳар бири Тошкент шаҳрида доимий пропискага эга.

Шуни эслатиб ўтиш мумкинки, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида пропискаси бўлмаган меҳмонлар – чет эл фуқаролари 3 кун мобайнида *(2363-сон Йўриқноманинг 34-банди)*, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари эса 5 кун мобайнида *(АВ томонидан 21.05.2012 йилда 2366-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 4-банди)* танлаган яшаш жойлари бўйича рўйхатдан ўтказилишлари ва ҳисобга қўйилишлари керак. **Демак, ушбу муддатлар доирасида ҳатто улар паспорт режимини ва республикада бўлиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликка тортилишлари мумкин эмас**.

Чет эл фуқароси унга бўлиш рухсати берилган, ўзи яшаш учун танлаган аҳоли пунктида эркин ҳаракатлана олади. Чеклашлар фақат чегара зоналарида ёки хорижий фуқароларнинг боришлари учун ёпиқ бўлган жойларда белгиланиши мумкин *(ВМнинг 21.11.1996 йилда 408-сон қарори билан тасдиқланган Хорижий фуқароларнинг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлишлари қоидаларининг 33-банди)*.

Ички ишлар органлари ходимининг ҳаракатлари устидан, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бўйича қарорнинг нусхаси олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида ички ишлар ҳудудий органи бошлиғига ёки жиноий ва маъмурий ишлар бўйича туман судига шикоят қилиш керак *(МЖТКнинг 315, 316-моддалари)*.

Римма СОЛОДОВНИКОВА,
эксперт-юристимиз.

Божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги янгиликлар

РЕЖИМЛАР ЛИБЕРАЛЛАШДИ

Президентнинг "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига (16.07.2012 йилдаги ПФ-4453-сон) мувофиқ Давлат божхона қўмитаси ўзининг қарорлари билан "Вақтинча сақлаш" божхона режими тўғрисидаги низом (АВ томонидан 2012 йил 27 сентябрда 447-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган), "Эркин омбор" божхона режими тўғрисидаги низом (АВ томонидан 2012 йил 27 сентябрда 1309-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган), "Бож тўланмайдиган савдо дўкони" божхона режими тўғрисидаги низом (АВ томонидан 2012 йил 27 сентябрда 1317-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган), "Божхона омбори" божхона режими тўғрисидаги низомга (АВ томонидан 2012 йил 27 сентябрда 1318-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритди.

• Хусусан, "Вақтинча сақлаш" божхона режими тўғрисидаги низомда белгиланишича, божхона органига тақдим этиладиган транспортга оид, товарга илова қилинувчи ва бошқа тижорат тусидаги ҳужжатлар хорижий тилларда ҳам тузилиши мумкин (илгари божхона органи мансабдор шахслари биладиган хорижий тиллардагина берилиши аниқлаштирилган эди). Ушбу ҳужжатдан ташувчининг қисқача декларацияни **3 нусхада** тақдим этиши зарурати тўғрисидаги талаб чиқариб ташланди, эндиликда бир нусхаси тақдим этилиши кифоя. Божхона органлари асоссиз равишда олиб қўйган товарлар ва транспорт воситаларини сақлаш имконияти бекор қилинди.

"Вақтинча сақлаш" божхона режимининг амал қилиши тугалланган деб саналадиган ҳолатлар белгиланди. Уларга қуйидагилар киради:

товарлар ва транспорт воситаларини бошқа божхона режимида расмийлаштириш;

авария, енгиб бўлмас куч таъсири оқибатида товарлар ва транспорт воситаларини қайтариб бўлмайдиган даражада йўқотиш;

суриштирув ёки тергов органларининг қарорлари асосида товарлар ва транспорт воситаларининг олиб қўйилиши;

суднинг ҳал қилув қарорлари асосида товарлар ва транспорт воситаларининг давлат даромадига ўтказилиши.

• "Эркин омбор" божхона режими тўғрисидаги низомда эркин омборларнинг эгалари эркин омборга олиб кириладиган ва ундан олиб чиқиладиган товарлар ҳақида божхона органига **ҳар чоракда** ҳисобот тақдим этишлари белгиланди (илгари бундай ҳисоботни тақдим этиш тартибини ДБҚ белгилар эди).

• "Бож тўланмайдиган савдо дўкони" божхона режими тўғрисидаги низомга мувофиқ, бож олинмайдиган савдо дўкони эгаси "бож олинмайдиган савдо дўкони" божхона режимига жойлаштирилган товарларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисоботни Низомда келтирилган шаклда **ҳар чоракда** (илгари бундай муддат белгиланмаган эди) тақдим этади. Энди **бож олинмайдиган савдо дўкони фаолият юритиши қоидалари унинг эгаси томонидан** божхона органи билан келишилган ҳолда (илгари фаолият ҳудудида бож олинмайдиган савдо дўкони очиладиган божхона органи ушбу ҳуқуққа эга эди) **тасдиқланади**.

"Божхона омбори" божхона режими тўғрисидаги низом энди божхона пости бошлиғи божхона омборида сақланаётган товарлар билан операцияларни амалга оширишга рухсатномани **унинг шахсий муҳри билан тасдиқламай** имзолашига йўл қўяди. Шунингдек божхона омбори эгаси божхона омборида сақланаётган товарлар тўғрисидаги ҳисоботни илгаригидек ҳар ойда эмас, **ҳар чоракда** тақдим этиши керак. Ўзгартиришлар билан "Божхона омбори" режимининг амал қилиши тугалланган деб ҳисобланувчи ҳолатлар белгиланди. Улар "Вақтинча сақлаш" божхона режими тўғрисидаги низомга киритилган ўзгартиришларга ўхшашдир.

Ҳужжатлар 2012 йил 7 октябрда кучга кирди.

Сардор ДЖУМАШОВ,
эксперт-юристимиз.

Реклама

"AMIR-AUDIT" МЧЖ
аудиторлик ташкилоти
28.03.2008 йилдаги 00642-сон лицензия.
ЎзР АВнинг 12.01.2005 йилдаги 991-сон гувоҳномаси.

Ўзбекистон Республикасидаги барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувлари ўтказади

Малака сертификатли аудиторларни ишга қабул қиламиз
Бухгалтерия ҳисоботи ва баланс тузиш

059-09

Тел.: (+99890) 187-04-68, (+99894) 644-62-23, 296-55-78; факс (8371) 296-52-15

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ: 283-32-31, 283-36-32.

Эълонлар

ТАЛАБ ЭТИЛАДИ

"Мева-Сабзавот" ТТМЗ МЧЖнинг ўз мулкини баҳолаш талаб этилади. Барча саволлар билан (+998 91) 136-19-56 телефон рақамига қўнғироқ қилинг. Манзилимиз: Янгийўл тумани, И.Қовунчи қ/к, И.Ўрозов кўч., 2-уй.

СОТИЛАДИ

Совуткич камера 3600 м³. 1 йилда ўзини оқлайди (850 000)*. Тел.: 926-32-23.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*.
Тел. (+998 90) 370-63-06.

ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР

ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш, тугатиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*.
Тел.: 281-52-39, (+99890) 346-16-89.

Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*.
Тел. (+99890) 346-16-89.

ХИЗМАТЛАР

Инвентаризация. Бухгалтерия ҳисоби. Кузатув. Таъсисчилар. Кўчмас мулк. Очиш.Тугатиш.
Тел. 806-28-46; факс 278-11-66.
E-mail: 49koshelev@mail.ru

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш.
Тел.: 233-74-95, 233-17-56, 236-76-46.

Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан.
Тел.: 127-15-28, 914-67-79.

***Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.**

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

– “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”.

● ИДОРАВИЙ-МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТ

– ЎзР ДСҚнинг “Энергия билан таъминловчи ташкилотлар томонидан давлат солиқ хизмати органларига муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларини ундириб олиш чораларини кўриш учун маълумотларни тақдим этиш ҳамда ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижаларини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН АЙРИМ ТОИФАДАГИ ЮРИДИК ШАХСЛАРГА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ, ЕР СОЛИҒИ, ЯГОНА ЕР СОЛИҒИ ҲАМДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 40-сон, 467-модда)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 30-моддасини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бир ой муддатда ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири
Ш.МИРЗИЁЕВ.

Тошкент ш.,
2012 йил 2 октябрь
281-сон.

ЎзР ВМнинг 2012 йил 2 октябрдаги 281-сон қарорига
ИЛОВА

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН АЙРИМ ТОИФАДАГИ ЮРИДИК ШАХСЛАРГА МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ, ЕР СОЛИҒИ, ЯГОНА ЕР СОЛИҒИ ҲАМДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА ИЖТИМОИЙ ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СОЛИҒИ БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 30-моддасига ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартибини белгилайди.

2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзларни (кейинги ўринларда солиқлар бўйича имтиёзлар деб аталади) солиқлардан тўлиқ ёки қисман озод қилиш тарзида беришлари мумкин.

3. Солиқлар бўйича имтиёзлар қуйидаги ҳолларда берилади, агар:

тегишли ҳудуднинг бюджети юқори турувчи бюджетдан дотация олмаганда ва солиқлар бўйича имтиёзлар бериш тегишли бюджетнинг дотация олишига сабаб бўлмаганда;

тегишли ҳудуднинг маҳаллий бюджети харажатлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг алоҳида қарорларида назарда тутилган тадбирлар молиялаштирилиши тўлиқ таъминланганда;

муайян солиқ бўйича имтиёзлар бериш натижасида тегишли бюджетга тушум тушмаслиги мумкин бўлган даромадлар (йўқотишлар) суммаси бошқа манбалар бўйича қўшимча тушумлар ҳисобига қопланганда;

мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи бўйича имтиёзлар берилган объектлар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган ер участкалари майдони доирасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганда;

солиқ тўловчида бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаганда.

4. Солиқлар бўйича имтиёзлар биринчи навбатда қуйидаги тоифадаги солиқ тўловчиларга берилади:

а) ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни амалга ошираётганларга;

б) Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига ёки ҳудудий инвестиция дастурларига киритилганларга;

в) ҳудуднинг инфратузилмасини ривожлантиришда қатнашувчиларга.

5. Солиқлар бўйича имтиёзлар солиқнинг битта тури бўйича, шунингдек бир нечта тури бўйича бир йўла берилиши мумкин. Солиқ бўйича имтиёзлар дастлаб 12 ойгача бўлган муддатга берилади. Бунда тегишли ҳудудий молия органларининг, давлат солиқ хизмати органларининг, иқтисодиёт ва адлия органларининг хулосасига кўра солиқлар бўйича имтиёзларнинг амал қилиши 12 ойгача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин. Кейинчалик ушбу тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқ бўйича имтиёз камида беш йил ўтгандан кейин берилиши мумкин.

6. Солиқлар бўйича имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар юридик шахслар томонидан ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг турларини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ тадбирларга йўналтирилади.

Солиқлар бўйича имтиёзлар берилиши натижасида бўшайдиган маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланилмаган тақдирда, ушбу маблағлар тўлиқ ҳажмда, белгиланган тартибда пеня ҳисоблаган ҳолда тегишли маҳаллий бюджетга ундирилади.

7. Солиқлар бўйича имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

II. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН СОЛИҚЛАР БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ

8. Солиқлар бўйича имтиёзларни бериш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашининг тегишли қарорлари асосида ҳамда ушбу Низомга иловадаги схема бўйича амалга оширилади.

9. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашининг солиқлар бўйича имтиёзлар бериш тўғрисидаги қарорлари лойиҳалари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан мажбурий тартибда келишилиши лозим.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашининг солиқлар бўйича имтиёзлар бериш тўғрисидаги қарорлари лойиҳалари (кейинги ўринларда солиқлар бўйича имтиёзлар бериш тўғрисидаги қарорлар лойиҳаси деб аталади) тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан тайёрланади.

Солиқ тўловчиларнинг мурожаатлари ёки Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатларининг таклифлари қарорлар лойиҳасини тайёрлаш учун асос ҳисобланади.

11. Солиқлар бўйича имтиёзлар бериш тўғрисида ишлаб чиқилган қарорлар лойиҳалари тегишли ҳудудий молия органлари, давлат солиқ хизмати органлари, иқтисодиёт ва адлия органлари билан келишилади.

Бунда юқорида кўрсатилган органлар солиқлар бўйича имтиёзлар бериш тўғрисидаги қарор лойиҳаси тақдим этилган кундан бошлаб ўттиз кун муддатда ушбу лойиҳа бўйича:

молия ва солиқ органлари — тегишли бюджетнинг олинмай қоладиган даромадларини ҳамда солиқлар бўйича берилаётган имтиёзларни кутилаётган харажатлар билан таққослаган ҳолда маҳаллий бюджет даромадларига кутилаётган таъсирини баҳолаш юзасидан;

иқтисодиёт органлари — солиқлар бўйича имтиёзлар беришнинг ҳудуд иқтисодиётига таъсири тўғрисида;

адлия органлари — солиқлар бўйича имтиёзлар бериш тўғрисидаги қарорлар лойиҳаларини юридик экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича тегишли хулосалар тақдим этадилар.

12. Солиқлар бўйича имтиёзлар бериш тўғрисидаги қарорлар лойиҳаларида қуйидагилар мажбурий тартибда кўрсатилади:

а) солиқлар бўйича имтиёз берилаётган юридик шахсларнинг тоифаси;

б) имтиёз берилаётган солиқ тури;

в) солиқлар бўйича имтиёз берилаётган муддат;

г) солиқ солишдан бўшайдиган маблағларнинг мақсадли йўналтирилиши.

13. Солиқлар бўйича имтиёзлар бериш тўғрисидаги келишилган қарорлар лойиҳалари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига кўриб чиқиш учун қуйидаги материаллар илова қилинган ҳолда киритилади:

тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимининг ўринбосари имзолаган солиқлар бўйича имтиёзлар бериш мақсадга мувофиқлигини асословчи тушунтириш хати;

солиқлар бўйича имтиёзлар беришнинг ҳудуд иқтисодиёти учун оқибатларини баҳолаган ҳолда зарур ҳисоб-китоблар ва кўриб чиқиш материаллари, шу жумладан солиқлар бўйича берилаётган имтиёзларнинг маҳаллий бюджет даромадлари тушишига таъсири, шунингдек уларга солиқ имтиёзларининг бюджет ва ижтимоий самарадорлигини асословчи ҳисоб-китоблар илова қилинади.

14. Солиқлар бўйича имтиёзлар бериш ва уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарорлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашининг раиси томонидан имзоланади.

15. Солиқлар бўйича имтиёзлар бериш тўғрисидаги қарор у қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан бошлаб кучга киради.

III. МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ

16. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ушбу Низом талабларига риоя этилиши юзасидан жавоб берадилар.

17. Солиқлар бўйича имтиёзларни қўлланишнинг тўғрилигини ва имтиёзларнинг берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш, қонун ҳужжатларига мувофиқ, давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

18. Давлат солиқ хизмати ҳудудий органлари тақдим этилган ҳисоб-китоблар асосида, ушбу Низомга мувофиқ солиқлар бўйича имтиёзлар берилган солиқ тўловчиларнинг Йиғма реестрини юритадилар.

19. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси давлат солиқ хизмати қуйи органларининг маълумотлари асосида, солиқлар бўйича имтиёзлар берилган солиқ тўловчиларнинг Йиғма реестрини юритади ва ҳар йили уни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 апрелигача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади.

№ 40 (377) • 2012 йил 9 октябрь

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан айрим тоифадаги юридик шахсларга мол-мулк солиғи, ер солиғи, ягона ер солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича имтиёзлар бериш тартиби тўғрисида низомга ИЛОВА

МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН СОЛИҚЛАР БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ СХЕМАСИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ ҚАРОРИ

«ЭНЕРГИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛОВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ТОМОНИДАН ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИГА МУДДАТИ ЎТКАЗИБ ЮБОРИЛГАН ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИ УНДИРИБ ОЛИШ ЧОРАЛАРИНИ КЎРИШ УЧУН МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ҲАМДА ҲАМКОРЛИКДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР НАТИЖАЛАРИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 27 сентябрда рўйхатдан ўтказилган. Рўйхат рақами 1437-1.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 39-сон, 463-модда)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 44-сон, 460-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли «Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 35-сон, 382-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 9 декабрдаги 2004-68-сонли «Энергия билан таъминловчи ташкилотлар томонидан давлат солиқ хизмати органларига муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларини ундириб олиш чораларини кўриш учун маълумотларни тақдим этиш ҳамда ҳамкорликда амалга оширилган ишлар натижаларини мониторинг қилиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга (рўйхат рақами 1437, 2004 йил 25 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 52-сон, 528-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Раис
Б.ПАРПИЕВ.

Тошкент ш.,
2012 йил 30 август
2012-27-сон.

****2012 йил 7 октябрдан кучга кирди.***

ЎзР ДСҚнинг 2012 йил 30 августдаги қарорига ИЛОВА

«ЭНЕРГИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛОВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ТОМОНИДАН ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИГА МУДДАТИ ЎТКАЗИБ ЮБОРИЛГАН ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗЛАРИНИ УНДИРИБ ОЛИШ ЧОРАЛАРИНИ КЎРИШ УЧУН МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ҲАМДА ҲАМКОРЛИКДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР НАТИЖАЛАРИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА»ГИ ҚАРОРГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР*

1. Қарорнинг номи ва 1-бандидаги «Энергия билан таъминловчи ташкилотлар» сўзлари «Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва уларнинг электр таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

қарорнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни («Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси», 1997 йил, 9-сон, 232-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига («Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2004 йил, 44-сон, 460-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси қарор қилади:».

2. Низомда:

а) номидаги «энергия билан таъминловчи ташкилотлар» сўзлари «ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва уларнинг электр таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) муқаддимадаги «Ўзбекэнерго» ДАК энергия билан таъминловчи ташкилотларининг» сўзлари «Ўзбекэнерго» ДАК ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва уларнинг электр таъминоти корхоналарининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 2-банддаги «энергия билан таъминловчи ташкилотлар» сўзлари «ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва уларнинг электр таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 3 ва 4-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Электр энергиясини ҳар ойда барча тоифалардаги истеъмолчиларга етказиб бериш улар томонидан электр таъминоти шартномасига биноан тегишли ой учун етказиб берилиши назарда тутилган электр энергияси ҳажми қийматининг камида 30 фоизи миқдорида аванс тўлови тўлангандан кейин амалга оширилади. Барча юридик шахслар - электр энергияси истеъмолчилари истеъмол қилинган электр энергияси (қуввати) учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, электр таъминоти шартномасига мувофиқ ҳар ойда тўлиқ ҳисоб-китоб қилишлари шарт.

4. Истеъмол қилинган электр энергияси (қуввати) учун тўлов электр таъминоти шартномасида белгиланган миқдорлар ва муддатларда амалга оширилмаган тақдирда ҳудудий электр тармоқлари корхонаси истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб беришни тўхтатади, ўта хавфли ва узлуксиз технологик жараёнга эга бўлган, электр энергиясининг узиб қўйилиши техноген ва аварияли оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган саноат корхоналари бундан мустасно.»;

д) 5-банддаги «энергия билан таъминловчи ташкилот» сўзлари «ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва унинг электр таъминоти корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 7-банддаги «энергия билан таъминловчи корхонанинг» сўзлари «ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва унинг электр таъминоти корхонасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 8-банддаги «энергия билан таъминловчи корхонани» сўзлари «ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва унинг электр таъминоти корхонасини» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) 9-банддаги «энергия билан таъминловчи ташкилот» ва «энергия билан таъминловчи ташкилотлар» сўзлари тегишлича «ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва унинг электр таъминоти корхонаси» ва «ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва уларнинг электр таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

и) 10-бандда:

иккинчи хатбошидаги «электр энергиясини етказиб бериш» сўзлари «электр таъминоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «энергия билан таъминловчи ташкилот» сўзлари «ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва унинг электр таъминоти корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги «энергия билан таъминловчи ташкилот» сўзлари «ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва унинг электр таъминоти корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

к) III бобнинг номидаги «энергия билан таъминловчи ташкилотлар» сўзлари «ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва уларнинг электр таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

л) 11-банддаги «туман (шаҳар) энергия билан таъминловчи ташкилотлари» сўзлари «ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва уларнинг электр таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

м) 12 ва 18-бандлардаги «вилоят энергия билан таъминловчи ташкилотлари» сўзлари «ҳудудий электр тармоқлари корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

н) 13-банддаги «энергия билан таъминловчи ташкилотнинг» сўзлари «ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва унинг электр таъминоти корхонасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

о) 16-банддаги «Вилоят энергия билан таъминловчи корхоналари» сўзлари «Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

п) 17-банддаги «вилоят энергия билан таъминловчи корхоналари» сўзлари «ҳудудий электр тармоқлари корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

р) 19-банддаги «туман (шаҳар) энергия билан таъминловчи ташкилотларининг» ва «энергия билан таъминловчи корхонанинг» сўзлари тегишлича «ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва уларнинг электр таъминоти корхоналарининг» ва «ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва унинг электр таъминоти корхонасининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

с) 20-банддаги «энергия билан таъминловчи корхонага» ва «Энергия билан таъминловчи корхоналар» сўзлари тегишлича «ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ва унинг электр таъминоти корхонасига» ва «Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва уларнинг электр таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

т) 21-банддаги «Энергия билан таъминловчи ташкилотларнинг» сўзлари «Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва уларнинг электр таъминоти корхоналарининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

у) 22-банддаги «энергия билан таъминловчи ташкилотлардан» сўзлари «ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ва уларнинг электр таъминоти корхоналаридан» сўзлари билан алмаштирилсин;

ф) 1-сон иловада:

номидаги «электр билан таъминловчи ташкилоти» сўзлари «ҳудудий электр тармоқлари корхонаси ёки электр таъминоти корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

жадвалнинг 6-устунидаги «электр энергиясини етказиб бериш» сўзлари «электр таъминоти» сўзлари билан алмаштирилсин.

х) 2-сон иловада:

номидаги «Электр тармоқлари» ОАЖ» сўзлари «Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

жадвалнинг 6-устунидаги «электр энергиясини етказиб бериш» сўзлари «электр таъминоти» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва «Ўзбекэнерго» ДАК билан келишилган.

Марказий банк раиси
Ф.МУЛЛАЖОНОВ.

«Ўзбекэнерго» ДАК бошқаруви раиси
Б.ТЕШАБОЕВ.

2012 йил 30 август.

Илова таҳририят томонидан ўзбек тилига ўгирилган. Маълумотнома тусига эга.

ИШДАН БЎШАЁТГАН ХОДИМ КАСАЛЛАНСА...

Агар ходим огоҳлантириш муддати (2 ҳафта) мобайнида касал бўлган бўлса, уни ўз хоҳишига кўра ишдан бўшатиш санаси ўзгартириладими?

Ш.Ёқубов.

– Амалдаги Меҳнат кодексида *(бундан кейин – МК)* **ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлиги даврида унинг ташаббусига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш учун чекловлар мавжуд эмас,** ходим бу даврда меҳнат муносабатларини кўрсатилган даврда фақат иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга йўл қўйилмайди *(МК 100-моддасининг тўртинчи қисми)*.

Ходим номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам, 2 ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириб, бекор қилишга ҳақлидир. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса ходимга меҳнат дафтарчасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт *(МК 99-моддасининг биринчи қисми)*.

Огоҳлантиришнинг асосий мақсади – иш берувчига ишдан бўшаётган ходим ўрнига янги ходим танлаш имкониятини беришдир. Меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида ёзма равишда огоҳлантириш зарур.

Ходим иш берувчини нафақат иш даврида, балки давлат ёки жамоат мажбуриятларини бажариш вақтида, таътилган чиқиш олдидан, таътил ҳамда касал бўлиш вақтида огоҳлантиришга ҳақлидир.

Ходимнинг огоҳлантириш даврида касал бўлиши ушбу муддатнинг амал қилишини тўхтатмайди, агар у тугаса, иш берувчи ходимни ушлаб қолишга ҳақли эмас. Бундан ташқари, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида иш берувчининг меҳнат шартномаси бекор қилиниши санасини ходимнинг ташаббусига кўра, ҳатто у касаллик варақаси олган бўлса ҳам, ўзгартириш мажбурияти назарда тутилмаган.

Шу сабабли бундай вазиятда меҳнат шартномасини ходим касал бўлиш даврида ўз ташаббуси билан бекор қилиши мумкин, чунки ташаббус иш берувчидан эмас, балки ходимдан келиб чиқяпти.

ШАРТНОМАГА КЎРА СИНАШ

Ишга кираётганимда менга бир ойлик синов муддати белгилашди. Кейинроқ кадрлар бўлимида менга иш берувчи уни узайтириш ниятида эканлигини айтишди. У илгари белгиланган синов муддатини узайтириш ҳуқуқига эгами?

Е.Тимошин.

– Йўқ, бундай ҳуқуққа эга эмас. Меҳнат кодексида ҳатто тарафларнинг келишуви бўйича синов муддатини ўзгартиришни назарда тутадиган меъёрлар мавжуд эмас, чунки синов фақат меҳнат шартномаси тузилаётганда белгиланади *(МК 84-моддасининг биринчи қисми)*. Меҳнат шартномаси фақат ходимнинг топширилаётган ишга мувофиқлигини текшириш мақсадида дастлабки синов шарти билан тузилиши мумкин. Бунда дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас *(МК 85-моддасининг биринчи қисми)*.

Шуни эслатиш жоизки, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди *(МК 85-моддасининг иккинчи қисми)*.

Ушбу ҳолда иш берувчи буйруқ билан дастлабки синов муддатини фақат ходим ишда бўлмаган давргагина узайтиришга ҳақли.

ДАМ ОЛДИ ВА ИШДАН БЎШАДИ

Агар ходим таътилга ундан кейин ишдан бўшаш нияти билан чиқса, меҳнат дафтарчасини қачон бериш керак – таътил олдиданми ёки кейин?

Кадрлар бўлими.

– МК 152-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ жамоа шартномасида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ходимнинг хоҳишига кўра, йиллик асосий ва қўшимча таътилларни бериб, ундан кейин меҳнат муносабатларини бекор қилиш ҳоллари назарда тутилиши мумкин. Бу ҳолда таътил тугаган кун меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади.

МК 108-моддасининг талабларига мувофиқ меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт.

Шу тариқа, **меҳнат дафтарчасини ходимга унинг таътили тугаган кунда бериш зарур, ушбу кун меҳнат шартномасини бекор қилиш куни бўлиб ҳисобланади.**

Компанияда 6 ойдан кўпроқ ишлаб, меҳнат таътилига чиқмоқчи бўлдим. Кадрлар бўлимида эса бир йил ишлаш кераклигини айтишди. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

З.Тўхтаев.

ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ТАЪТИЛГА ЧИҚИШ МУМКИН?

– Кадрлар бўлимида сизга нотўғри жавоб беришган.

МК 143-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ **ходимда йиллик асосий таътилдан фойдаланиш ҳуқуқи мазкур иш берувчида узлуксиз ишлаган биринчи иш йили учун олти ойдан кейин пайдо бўлади**. Йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун таътиллар жадвалига мувофиқ иш йилининг исталган вақтида берилади *(МК 143-моддасининг саккизинчи қисми)*.

Шу сабабли иш берувчи ходимга таътил беришдан бош тортишга ҳақли эмас. У фақат ходимга сабабини тушунтириб, таътилни кўчиришни таклиф қилиши мумкин. Агар ходим рози бўлмаса, иш берувчи таътил пулини тўлаши ва уни дам олишга юбориши шарт.

Иш берувчи ушбу талабларни бажармаган тақдирда танловингизга кўра меҳнат муносабатлари соҳасидаги ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишга имкон берадиган, қонун билан белгиланган таомиллардан фойдаланишингиз мумкин, яъни:

бевосита судга мурожаат қилиш *(МКнинг 260-моддаси)*;

иш берувчининг ҳаракатларининг меҳнат қонунчилигига мувофиқлиги нуқтаи назаридан текшириш талаби билан туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказининг Давлат меҳнат ҳуқуқи инспекторига ёки меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб борувчи прокуратурага ариза билан мурожаат қилиш *(МКнинг 9-моддаси)*.

Реклама

NORMA
Электрон маълумотнома тизими
КАДРЛАР БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИ
Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. 6-қават.
Тел./факс:(998 71) 283-23-74.
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

ДЕКРЕТГА ҚАНДАЙ ЧИҚИЛАДИ?

Декрет таътилига чиқиш ҳамда ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини олишга ҳақли бўлиш учун корхонада қанча вақт ишлаш керак?

Д.Ҳамроқулова.

– Ҳомиладорлик ва туғиш таътилидан фойдаланиш ҳуқуқи ходимада, **мазкур ташкилотда ишлаган кунлари (ойлари, йиллари) сонидан қатъи назар, юзага келади. Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида берилади** *(Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомнинг* 48-банди, бундан кейин – Низом)*.

Аёлларга туққунга қадар 70 календарь кун ва туққанидан кейин 56 календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда – 70 календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади *(МК 233-моддасининг биринчи қисми)*.

Ҳомиладорлик ва туғиш таътили жамланган ҳолда ҳисоблаб чиқилиб, туғишга қадар амалда бундай таътилнинг неча кунидан фойдаланилганидан қатъи назар аёлга тўлиқ берилади *(МК 233-моддасининг иккинчи қисми)*.

Таътил бериш, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тайинлаш ва тўлаш учун ариза ва белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос бўлади *(Низомнинг 40-банди)*.

Бундан ташқари, ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдидан ёки бевосита ундан кейин **ходиманинг хоҳишига кўра, унинг мазкур иш берувчидаги иш стажидан қатъи назар, йиллик тўланадиган таътил берилади** *(МК 143-моддасининг учинчи қисми)*.

Шу тариқа, ҳаммаси мазкур иш берувчидаги иш стажига эмас, балки аёл қандай ҳужжатларни тақдим этганига боғлиқ, унинг хоҳишига кўра муайян таътил – ҳомиладорлик ва туғиш таътили ёки йиллик асосий таътил (аввалгисидан олдин ёки ундан кейин) берилади.



**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг АВ томонидан 8.05.2002 йилда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.*

Абдусалом РИСҚУЛЛАЕВ, эксперт-юристимиз.

НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
N 40 (377) • 2012 йил 9 октябрь

КАСАБА УЮШМАСИ БИЛАН МУРОСА ҚИЛГАН МАЪҚУЛ

Корхона қайта ташкил қилинаётганлиги туфайли ундаги ишчиларни оммавий тарзда бўшатишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Оммавий қисқартириш амалга оширилаётган вақтда касаба уюшмаси қўмитасининг мажлисида ҳар бир бўшатилаётган ходим – касаба уюшмаси аъзосини алоҳида муҳокама қилиш зарурми?

Ходимлар бўйича менежер.



– Ҳа, зарур.

Амалдаги меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган касаба уюшмаси қўмитасининг *(бундан кейин – ходимларнинг вакиллик органи)* олдиндан розилигини олиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий тартиб ишчилар штати (сони) қисқартирилиши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилишда иш берувчи ва ходимларнинг вакиллик органининг ўзаро боғланган ва изчил ҳаракатлари мажмуасини ўз ичига олади *(Меҳнат кодекси 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди, бундан кейин – МК)*.

Амалдаги қонунчиликда "оммавий қисқартириш (ишдан озод этиш)" тушунчаси келтирилмаган. МКда фақатгина оммавий равишда ишдан озод этишда қўлланиладиган таомилларга оид талаблар ўрнатилган, лекин оммавий бўшатиш мезонлари МКда белгиланмаган.

МК 102-моддасининг еттинчи қисмига биноан иш берувчи ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида ўз вақтида – камида 2 ой олдин тегишли касаба уюшмаси органи ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органига ахборот тақдим этади ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳат ишларини амалга оширади. Иш берувчи камида 2 ой олдин **ҳар бир ходимнинг касби, ихтисослиги, малакаси ва меҳнат ҳақи миқдорини кўрсатган ҳолда, бўлажак ишдан озод этилиши тўғрисидаги** маълумотларни маҳаллий меҳнат органига ҳам маълум қилиши шарт.

Бундан ташқари, МКда башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун ходимлар вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, шартномани бундай розиликни олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди *(МК 101-моддасининг биринчи қисми)*.

Олий суд Пленумининг "Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни тартибга солувчи қонунларнинг қўлланиши ҳақида" қарори *(17.04.1998 йилдаги 12-сон)* 21-банди билан жамоа шартномаси шартлари жамоа келишувига нисбатан ходимнинг аҳволини ёмонлаштириши мумкин эмаслиги белгиланган. Яъни, агар тармоқ ёки ҳудудий жамоа келишувида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга касаба уюшмаси қўмитасининг ёки бошқа вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилса, бу ҳақда жамоа шартномасида айтиб ўтилган-ўтилмаганидан қатъи назар, бундай розиликни олиш шарт.

МК 25-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, вакиллик органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, шунингдек вакиллик органлари таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларни уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати тугаганидан кейин 2 йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан Бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) Марказининг *(бундан кейин – Марказ)* олдиндан розилигини олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Ходимлар билан МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандида кўрсатилган асослар бўйича меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти тўғрисида қарор қабул қилган иш берувчи ёзма шаклда тақдимнома ва ушбу қарорга асос бўлган ҳужжатлар нусхасини тайёрлаши ва уларни ходимларнинг вакиллик органига юбориши керак, вакиллик органи таркибига сайланганлар бўйича тайёрланган ҳужжатларни эса қўшимча тарзда Марказга ҳам жўнатади.

Ходимларнинг вакиллик органи ходимлар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилиги бўйича қабул қилган қарори ҳақида иш берувчига ёзма равишда хабар бериши керак, бундай хабар меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг ёзма тақдимномаси олинган кундан бошлаб 10 кунлик муддат ичида берилади *(МК 101-моддасининг иккинчи қисми)*.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, касаба уюшмасининг ички ҳужжатлари билан мазкур масала касаба уюшмаси қўмитасида уюшма аъзоси ҳозирлигида кўриб чиқилиши кераклиги қўшимча тарзда назарда тутилади*, сабаби касаба уюшмаси аъзоси унинг фаолияти ва интизоми масаласи кўрилаётган уюшманинг тадбирларида иштирок этиш, ўз фикрини эркин ифода этиш, мажлислар, йиғилишлар, конференцияларда шахсан қатнашиш ҳуқуқига эгадир (касаба уюшмаси аъзоси мазкур масала ўзи ҳозир бўлмаганида кўриб чиқилишини сўраб ёзма ариза берган ҳоллар бундан мустасно).

Ходимлар вакиллик органининг (вакиллик органига сайланганларга нисбатан эса – Марказнинг) меҳнат шартномасини бекор қилишга розилиги бўлганда иш берувчи улар билан меҳнат муносабатларини бекор қилиши мумкин, лекин бу муддат бундай розилик олинган кундан 1 ойдан ошмаслиги керак *(МКнинг 67, 92, 100, 102, 103, 109, 110, 151-моддалари талабларини бажарган ҳолда)*.

Эътиборингизни шунга қаратамизки, **ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва таътилларда бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди**. Бу меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган, корхона тўлиқ тугатилган ҳоллар бундан мустасно *(МК 100-моддасининг бешинчи қисми)*.

Меҳнат шартномасини қуйидаги сабабларга кўра иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимлар бошқа вакиллик органининг розилигини олиш талаб қилинмайди *(МК 101-моддасининг биринчи қисми)*:

корхона тугатилиши муносабати билан;

корхона раҳбари билан МК 100-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослардан бирига кўра;

корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, унинг вазифасини амалга оширувчи ходим билан – мулкдорнинг алмашиши сабабли *(МК 100-моддаси иккинчи қисмининг 6-банди)*.

Шу тариқа, қонун ташкилотга меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишда ходимлар вакиллик органининг олдиндан розилигини олиш тўғрисидаги талабни жамоа келишуви ёки жамоа шартномасига киритиш ва унга амал қилиш ҳуқуқини берди. Ёхуд уларда бундай талабни тегишли ички ҳужжатларга киритмаслик ҳуқуқи мавжуд.

Абдусалом РИСҚУЛЛАЕВ,
эксперт-юристимиз.

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Устави III бўлимининг 3.3-банди учинчи хатбошиси (Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойида тасдиқланган, АВ томонидан 24.05.2011 йилда қайта рўйхатдан ўтказилган).*

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАҲАТЧИ
ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ **"Norma Hamkor" МЧЖ**

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди. Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz, normapress@mail.ru
www.norma.uz
Нашр учун масъул: Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам таҳририят нуқтаи назарига мос келавермайди.
Таҳририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.
«Норма маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга ***фақат «Norma» газеталари бирлашган таҳририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.***

Газета таҳририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида "TOPRINT" МЧЖ босмахонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 525 Адади 2 800. Баҳоси келишилган нархда
Газета 2012 йил 8 октябрда соат 15.00 да топширилди.
ISSN 2010-5223